# ТОШКЕНТ АЁЛЛАРИ

**Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси саҳифаси**

*Қутловлар*

## АРМОНЛАР УШАЛСИН

**Рихси ИБРОҲИМОВА,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

— Кириб келаётган ҳар бир янги йилга инсон катта умид боғлайди. Эски йилда ушалмаган орзу, ниятлари янги йилда амалга ошишига ишонади. Азал абад санъатга, гўзалликка ошуфта аёлларимиз кўнглида ҳам, ҳеч шубҳасиз бу чоғ олам-олам яхши ниятлар мавж урмоқда. Мен ҳам уларнинг амалга ошишига тилакдошман. Меҳнат, оила ташвиши ва фарзандлар тарбиясидек муҳим вазифани адо этаётган юртимизнинг барча оналарини кириб келаётган 1998 йил билан муборакбод этаман. Осмонимиз тинч, ҳаётимиз яна ҳам фаровон ва бахтиёрликка тўлиқ бўлсин! Хонадонингиздан ва кўнглингиздан хотиржамлик аримасин! Доимо бахтга, хушу хурсандчиликка эш бўлган туйғулargина сизга ҳамроҳ бўлсин.

## ДОИМО САЛОМАТ БЎЛИНГ!

**Муҳтабар ҚОСИМОВА,**
**олий тоифадаги шифокор:**

— Мана тарих саҳифаларига неча-неча унутилмас воқеаларни қолдириб 1997 йил ҳам охирлаб, янги — 1998 йил эшик қоқмоқда. Шундай дақиқаларда бир шифокор сифатида республикамизнинг барча аёлларига менинг ҳам айтар сўзларим, тилакларим кўп. Истардимки, кириб келаётган Янги йилда ҳамма вақт азиз хотин-қизларимиз, болаларимиз, уларнинг дадажонлари соғу саломат бўлишсин, тани-жонларига дард яқинлашмай, яшариб юришсин. Яна шуни ҳам истардимки, ҳар қандай шароитда ҳам улар тўрт нарсани унутмасинлар:

1. Ҳар бир аёл ўзининг жозибадорлигини, кўркини, ёшлигини, аёллик латофатини узоқ вақт давомида сақлаб қолсин.

2. Аёл энг аввало ўз саломатлигига эътиборли бўлсин.

3. Янги 1998 йил — Оила йили деб эълон қилинди. Ушбу йилда оилангиз аъзоларининг соғлом ҳаёт кечиришларига энг биринчи жавобгар ҳам сиз аёлларсиз.

4. Бола ҳаётидаги дастлабки тарбия жуда муҳим аҳамиятга молик. Шунинг учун ҳар бир оила ўз фарзандини камида уч ёшгача ўзи тарбиялаб, соғлом парвариш қилсин. Чунки соғлом авлод келажаги буюк юртимизнинг давомчилари, бунёдкорларидир.

Азиз хотин-қизлар! Сиз юрган кўчаларнинг гули хазон кўрмасин. Оилангиздан қут-барака аримасин! Сиҳат-саломат бўлинглар!

## ҚУЁШДЕК ЧАРАҚЛАНГ

**Баҳодир УМАРОВ,**
**тиббиёт фанлари номзоди:**

— Аёл! Бу номни тилга олишингиз биланоқ аллақандай майин оҳанг таралгандек, кўнглингизда қуёш чарақлагандай бўлади. Бир неча кунлардан кейин ҳаммамиз шод кутиб оладиган янги 1998 йил билан барча республикамиз аёлларини чин юракдан табриклайман. Момо ҳаво зотидан бўлмиш аёллар — аёл бўлганлари учун ҳам гўзалдирлар! Ҳар қанча эъзозга лойиқдирлар! Мен бу тилакларимизни аёлларимизга — ўша меҳнатдан қадди дол, қўллар қаварган, юзлар шамолдан, офтобдан қорайган дилбар хотин-қизларимиз шаънига алоҳида айтгим келади. Сизлар борки қалбимиз, бутун оиламиз чароғон. Сизлар борки ерга қўшилиб томир отган жонда меҳр-муҳаббат бор! Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, олам-олам қувонч, бахт, муҳаббат ва садоқатда собитлик тилайман.

## ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда шаҳар прокуратураси, ички ишлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, касаба уюшмалари қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, турли жамғармаларнинг раҳбарлари, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, маҳалла ўринбосарлари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этди. Анжуманни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ф.Абдураҳимова очди.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова «Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш — соғлом турмуш тарзи, оила мустаҳкамлигининг ишончли омилидир», Ўзбекистон судьялари ассоциацияси раиси А. Тўхташев «Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишда ҳуқуқий органларнинг вазифалари» мавзуида маъруза қилдилар.Шунингдек, тадбир қатнашчилари ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

*(ЎзА)*

*Маънавият*

## САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАС

***Санъат ВОҲИДОВА,***
***Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Иқтисод, ҳуқуқ ва тадбиркорлик» уюшмаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор:***

— Инсон манфаатлари йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» асарининг муҳокамаси ва унга бағишланган илмий-амалий конференция унда қатнашган ҳар бир аёл учун бугунги ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш имконини яратди.

Тараққиётга эришган давлат барпо этиш учун бевосита аёллар онгида маънавий-маърифий қадриятларни тиклаш ва англаш, узоқ ўтмиш тарихимизни, юксак маданиятли халқ бўлганлигимизни тарғиб ва ташвиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Халқимиз бой маънавий тарихга эга. Бироқ кўпчилик уни билмайди, ҳаётбахш онгимизни ёритувчи нурларидан баҳраманд бўлиш фурсати келган бўлса-да бунга лоқайдлик билан қаралмоқда.

Маънавият — инсон қалбидаги нур экан, у ҳар бир аёлнинг ўз халқига, Ватанига, миллатига, қадриятларига бўлган муҳаббатидир. Маънавият билан бир тоифа кишилар эмас, балки ҳамма шуғулланиши керак. Президентимизнинг маънавиятни юксалтиришга катта эътибор бераётганлигининг сабаби ҳам шунда.

Давлатимиз XXI аср бўсағасида ўзбек миллий уйғониши — тараққиёт сари қадам-бақадам олға боряпти, ўзлигини таниб бормоқда. Шарқнинг биринчи уйғониш даври IX—X асрларда, иккинчи даври Темурийлар ва Бобурийлар ҳукмронлик қилган XV—XVI асрларда ўтганлигини биламиз. Айни чоғда давлатимизда учинчи уйғониш жараёни кечаяпти, дейиш мумкин. Биз демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролар жамияти қуришга киришган эканмиз, ҳар бир аёл бу жараёнда фаол, онгли иштирокчига айланмоғи лозим.

Ўзбекистонда ҳуқуқий тарбияни такомиллаштиришга, сиёсий фаолликни оширишга катта эътибор берилмоқда.

Жойларда бу мақсадда сиёсий клублар, учрашувлар, семинар машғулотлардан кенг фойдаланилмоқда. Яқинда эълон қилинган «Таълим тўғрисида»ги ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги ҳужжатлар эса мутахассис кадрлар тайёрлашга янгича, замон талабига мос нуқтаи-назардан ёндошишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб хотин-қизлардан кадрлар тайёрлашнинг ҳар бир соҳа бўйича янги концепцияларини ишлаб чиқишни келажакдаги фаолиятимиз йўналиши деб билмоғимиз зарур.

Одам туғилади, аммо унинг ахлоқ, одоб борасидаги фазилатлари жамиятда, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларда шаклланади. Инсонда имкониятлар тақозосига кўра, наслий хусусиятлари туғма бўлиши мумкин. Инсоннинг туғма хусусиятлари ҳам ижобий вазият таъсирида бўлгандагина соғлом ривожлана олади.

1998 йил — Оила йили деб эълон қилинди. Оила миллат парвози учун илк учиш майдонидир. Болалар тарбиясида оиланинг, айниқса ота ва онанинг роли ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Жамиятнинг маънавий соғломлаштирилиши мураккаб ва узоқ муддатли жараён. Бу жараён ахлоқий, миллий қадрият йўналишлари асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан янгиланган шахснинг шаклланишини кўзда тутади.

Хотин-қизларнинг жамият маънавий соғломлашувига таъсири алоҳида ўринга эга. Аёл маърифатли, ички дунёси маънавият шуълалари билан бойиган бўлса, ён-атрофидаги одамларнинг маънавий-маданий ривожланишига таъсир қилади. Ҳозирги ўтиш даврининг ўзига хослиги, мураккаблиги шундаки, халқларнинг миллий ўз-ўзини англаш ҳиссиёти тобора ўсиб бормоқда. Маданий меросни чуқур ўрганиб, халқ учун фаол ва ҳалол хизмат қилишга тайёрлаш йўллари, тарбиявий усул ва чоралари аёлнинг маънавиятига ҳам боғлиқ.

Ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан бири баркамол инсонни шакллантиришда улар онгига ватанпарварлик туйғуларини сингдиришдир. Бинобарин, шундай экан, ҳар бир ёш авлодни юртининг, халқининг таркибий қисми деб билиб, ўз бурчини юксак онглилик, фидойилик билан адо этаётган аёл ҳақиқий ватанпарвардир.

Ватанпарварлик ҳар бир йигит-қизнинг ўзи туғилиб ўсган, яшаётган Ватанига бўлган муҳаббати, садоқати ва бурчидир. Чунки Ватан оташқалб мутафаккир Фитрат айтганидек, «Қиблагоҳдир, саждагоҳдир». Ватанпарварлик эса инсон қалбидаги иймон, эътиқод, истиқлол ва истиқбол олдидаги буюк масъулиятдир.



*Чеҳрангиздан табассум аримасин ҳеч.*

*Равиль Альбеков олган суратлар.*

*Туманларда*

## ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИГА ШЕРИКМИЗ

***Собир Раҳимов тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Муҳайё ҒАНИХЎЖАЕВА:***

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига ғоят юксак баҳо бердилар.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир жабҳада аёлларимизни кўрамиз. Аёл она, аёл раҳбар, аёл ижодкор, аёл мураббий, қолаверса аёл жамоатчи.

Туманимизда маҳаллаларда, ишлаб чиқаришда, олий ва ўрта махсус билим юртларида хотин-қизлар уюшмалари ташкил этилган. Булар билан доимо биргаликда иш олиб борилади. Турли мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар ўтказилади. Туманда ўтказилган ҳар бир тадбир Инсон манфаатлари йили муносабати билан инсонга бўлган меҳр, оқибат ва уларга бўлган ҳурматни яққол намоён қилди.

«Маънавият ва маърифат», «Соғлом авлод учун», «Қизларни турмушга тайёрлаш», «Аёл ва ҳуқуқ», «Оналик ва болаликни ҳимоялаш» ва бошқа дастурлар олиб борилаётган ҳар бир ишимизда ўз аксини топади.

Туманимизда халқ таълими бўлимига қарашли 3 та интернат, 1 та меҳрибонлик уйи, ижтимоий таъминот бўлимига қарашли 2 та мурувват уйи жойлашган.

Яқинда 100-махсус мактаб-интернатда меҳр-мурувват байрами ўтказилди. Унда интернат тарбияланувчиларининг юртбошимизга йўллаган миннатдорчилик мактублари ўқиб эшиттирилди. Шу куни 130 нафар етим болаларга «Узюксал» фирмаси ҳомийлигида Янги йил совғалари топширилди.

«Оила, давлат, жамиятда ёшлар тарбияси» муаммолари айни долзарб масалалардан биридир. Бу борада тумандаги мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида, маҳаллалар, ички ишлар, суд ва прокуратура ходимлари билан биргаликда учрашувлар ўтказилди. Бу учрашувларни тайёрлашда маҳалла хотин-қизлар кенгаши раислари Назира Раимова, Озода Юнусова, Раҳима Эргашева, Умри Азимова, Комила Кўчибоева ва бошқалар фаоллик кўрсатдилар.

Туманимиз аёллари яхши жамоатчи бўлибгина қолмай, ишбилармон тадбиркордирлар. 30 дан ортиқ тадбиркор аёллар иштирокида беллашув бўлиб ўтди. Бунда аёллар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Бу беллашувда «Машҳура» фирмаси ғолибликни қўлга киритиб, республика миқёсида ҳам биринчиликни эгаллади. Ҳамма аёлларимиз пазанда, қўли гул тикувчидир. Маҳаллалараро ўтказилган «Энг яхши тикувчи» кўрик-танловида 10 та маҳалла аёллари қатнашиб, ғолибликни «Чиғатой оқтепа», Ривож, Истиқбол маҳалласи қатнашчилари қўлга киритдилар.

«Қизларни турмушга тайёрлаш» ва «Соғлом авлод» дастурлари бўйича тумандаги 34,33, 52-оилавий шифохоналарда маҳаллалардаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш кенг йўлга қўйилган. Чуқурсой, Ҳамза, Беруний, Рўзи Ашуров маҳаллаларида «Соғлом авлод фонди» амбуланси тиббиёт ходимлар гуруҳи томонидан 400 нафар хотин-қизлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Ёшларимизнинг ҳар томонлама маънавий баркамол ўсишлари, айниқса, қизларимизни оилага тайёрлаш борасида «Қизлар клуби» фаоллик кўрсатмоқда. Тумандаги 249, 242, 28, 29- ва бошқа мактабларда, 45, 309-лицейларда «Орасталик — гўзаллик», «Кийиниш ва муомала маданияти», «Чаққон қиз — яхши уй бекаси» мавзуларида кўрик-танловлар ўтказилди. Унда қизларимиз ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувлар, суҳбатлар оилани мустаҳкамлаш, ажримлар олдини олиш борасида қилинаётган ишлардан далолат беради.

Мустақиллик байрамининг 6 йиллиги арафасида А. Набиев номли маҳаллада «Нуроний онахонлар» мавзусида байрам ўтказилди. Кечага табаррук, кўп болали онахонлар таклиф этилдилар. «Гузар боши» маҳалласида 200 нафар нафақахўр оналарга бағишлаб «Меҳнат қилган — элда азиз» мавзусидаги тадбирга туман корхоналарида ишлаб, ҳозирги кунда қарилик гаштини суриб яшаётган онахонлар таклиф этилди ва эсдалик совғалари топширилди. Байрам арафасида 300 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига туман ҳокимлиги томонидан бепул мактаб формалари ва ўқув қуроллари ажратилди.

Инсон манфаатлари йили инсонларга бўлган меҳр-оқибатнинг чексизлигини яна бир бор исботлади. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган байрам кечаси бунинг ёрқин далилидир. Шу куни устозларимиздан 100 нафарига 3000 сўмдан пул мукофоти, «Наврўз» жамғармасининг 10.000 сўмдан пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалари берилди.

Президентимизнинг 1998 йилни Оила йили деб эълон қилишлари биз аёлларни жуда қувонтирди ва янада шижоатли меҳнат қилишга руҳлантирди.

*Танловлар*

## «ЭНГ ИБРАТЛИ КЕЛИНЧАК»

***Халқаро «Экосан» ва «Олтин мерос» жамғармалари, «Маҳалла хайрия жамғармаси, Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда «Энг ибратли келинчак» кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди.***

Бундан кўзланган асосий мақсад келинчакнинг оиладаги ўрнини кўтариш, қадриятларни эъзозлаш, урф-одатларни ёшларга қай даражада ўргата олишлари ва ўргатаётганларидан бохабар бўлиш. Ташкилий қўмита аъзолари янги бир иборани тилга олишди. Бу — қадриятлар экологияси. Демакки, экология сўзини нафақат атроф-муҳит, табиатни асраш, балки боболаримиздан қолган меросни, қадриятларни, китоб ва осори атиқаларни асраш маъносида ҳам истифода этдик.

Келинчак танловининг шартлари қизиқарли ва ҳаётий. Танловда келинларимизнинг қадимий урф-одатлар ва диний маросимлар (келин салом, ҳайит йўқлови)га муносабатидан бошлаб, қўни-қўшничилик одоби, оиладаги иқтисод, таом тайёрлаш гигиенаси ва ошхона либосларигача инобатга олинади.

Биринчи ўринга 50.000, иккинчи ўрин учун 30.000, учинчи ўринни эгаллаган келинчакка 15.000 сўм пул мукофоти бор. Бундан ташқари, рўзғор учун керакли жиҳозлар, музлатгичдан то ошхона жиҳозларигача совға қилинади.

Фақат шарт шуки, келинчак камида беш йиллик турмуш тажрибасига эга бўлиши лозим. Шунингдек, қайноналарини норози қилган, куёвининг иззат-ҳурматини жойига қўймаган келинчакларнинг танловда қатнашиши даргумон.

Яқин кунларда танловнинг маҳаллалараро дастлабки баҳслари бошланади. Ўзининг зукколиги, пазандалиги, ибрат бўлса арзийдиган эканлигини Ўзбекистонга билдираман деган келинчакларга омад тилаймиз.

*Абдураҳмон ЖЎРА.*



*Мактабларимизнинг фан тўгаракларида ўқувчилар дарсда олган билимларини қўшимча адабиётлар асосида мустаҳкамлайдилар. Бу борада пойтахтимиздаги 129-мактабда ҳам намунали ишлар йўлга қўйилган. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Малика Саидова бошчилигидаги адабиёт тўгараги аъзолари таниқли ёзувчи ва шоирларнинг асарлари билан танишиб, мактаб саҳнасида драматик пьесалардан парчалар ижро этишади.*

*СУРАТДА: тўгарак аъзоларининг ҳар бир машғулоти шундай мароқли ўтади.*

*Уюшмаларда*

## ИЛМ СОҲИБАЛАРИ ДАВРАСИ

***Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошида «Олима аёллар» уюшмаси иш бошлаган эди. Мақсад — оила юмушлари билан бирга илмий фаолият олиб бораётган хотин-қизларнинг аҳволидан бохабар бўлиш, уларга кўмаклашиш. Уюшма раиси, профессор, фалсафа фанлари доктори Хотима ШАЙХОВА мухбиримизга ташкилот фаолияти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:***

Заминимизда туғилиб, вояга етган турли миллат вакилларининг тили, дини, маданияти, ижтимоий аҳволидан қатъи назар тинч-тотув яшаш имконияти яратилган. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий фаолиятида яққол намоён бўлмоқда.

Бугун биз Инсон манфаатлари йилига якун ясар эканмиз, ҳар биримиз кимга нима ёрдам бердим, давлатимиз, истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун нималар қилдим, деб ўз-ўзимизга савол беришимиз керак.

Ушбу йилда Инсон манфаатлари ҳар нарсадан муқаддас эканлигига амин бўлдик. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳам Инсон манфаатлари йилида олима аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш мақсадида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошида «Олима аёллар» уюшмасини ташкил қилган эди. Уюшманинг асосий мақсад ва вазифаси илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи аёлларни бирлаштириш, уларга илмий-назарий ва амалий фаолиятларнинг камол топишига кўмаклашишдир.

Шунингдек, олима аёллар фаолиятида олиб борилаётган таълим-тарбия, ташвиқот ва тарғибот ишларини янада жонлантириш, ёшлар, хотин-қизларнинг маънавияти ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлатимиз ишлаб чиққан малакали кадрлар тайёрлаш миллий дастурини турмушга татбиқ этишда ҳамда нодавлат жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда нуфузли илмий-амалий тадбирлар ўтказишда кенг фойдаланиш назарда тутилган.

Уюшма шаҳар шароитини ҳисобга олган ҳолда ўз дастури ва низомини ишлаб чиқди, ўз фаолиятини турли илмий-амалий йўналишлар бўйича амалга оширмоқда.

Оила — жамият кўзгуси, кўрки ва ўзагидир. Оиладаги соғлом муҳит, соғлом муносабат, тинч-тотувлик жамиятни янада бақувват ва барқарорлаштиради. Президентимиз айтганларидек, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини, муқаддас урф-одатларни сақлаш билан бирга барча инсоний олижаноб фазилатларни шакллантиради. Оила фаровонлиги — миллат фаровонлигидир. Вазифа — оилаларга эътиборни тубдан ўзгартириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлашдан иборат. Оиланинг муаммолари, иқболи давлат ва жамиятимиз эътибори марказида.

Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда уюшма ўз фаолиятида оила муаммоларига, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқи, оналарнинг бурч ва масъулиятига, ёш авлоднинг таълим ва тарбияси, авлодлар ўртасидаги оилавий ворислик каби масалаларни илмий-назарий ва амалий жиҳатларига алоҳида ўрин беради. Бу вазифаларни бажариш эса хотин-қизлар, айниқса олима аёлларимиздан жонкуярлик, сергаклик ва фидойиликни талаб қилади.

Янги йилда хотин-қизларга, олима аёлларимизга сиҳат-саломатлик, оилаларига осойишталик тилаймиз. Белгиланган мазмундор режаларини амалга оширишда куч-ғайрат, яхши кайфият ҳамроҳ бўлсин.

*Маъмура РЎЗИЕВА*
*ёзиб олди.*

*Байрам дастурхонингизга*

## МАЗАЛИ ТОРТ

Бу тортни тайёрлаш учун тухумнинг оқидан сариғи ажратилади. Оқи совитгичда совитилади. Тухумнинг сариғига ярим стакан шакар қўшиб, у эригунича яхшилаб аралаштирилади. Совитилган тухум оқининг ҳажми 3-4 баробар ортгунича кўпчитилади ва оз-оздан шакар қўшилади. Тухум сариғи ҳам кўпчитилиб, унга оқининг учдан бир қисми солинади ва унга ун қўшиб аралаштирилади. Сўнгра қолган тухум оқини ҳам ҳосил бўлган аралашмага секин-аста қўшиб борилади. Шаклли товага пергамент қоғоз ёйилиб, бисквит хамири қуйилади ва газ иссиқхонасида 200-220 даража ҳароратда 10-15 дақиқа пиширилади. Пишган бисквит совитилиб, шарбат шимдирилади. Сариёғ яхши кўпчитилиб, оз-оздан қуюлтирилган сут қўшиб яна кўпчитилиб крем тайёрланади. Бисквитларга крем суртиб бир-бирига ёпиштирилади ва қандолат шприцида крем билан безалади.

Бисквитли торт тайёрлашда 6 та тухум, 1 стакан ун, 1 стакан шакар, крем учун эса 300 грамм сариёғ, 450 грамм қуюлтирилган сут миқдорида масаллиқ ишлатилади.

